ПЕДАГОГИК ФАНЛАРДА ОЛИЙ МАКТАБ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИГА ИННОВАЦИОН ТАВСИФ (семинар ва лаборатория машғулотлари мисолида)

М.ОРТИҚОВА, М.ТУРСУНОВА

В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования инновационных технологий в высших учебных заведениях.

The article deals with the problems of improvement innovational technologies in the Higher Educational Institutions.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти – кадрлар тайёрлаш тизимининг мукаммал бўлиши, замонавий фан-техника ютуқлари асосида таълимни сифат ва самарадорлик жиҳатдан янада юқори кўрсаткичларга олиб чиқишдир. Бугунги кунда таълим муассасаларида, хусусан, олий таълим тизимида ўқитиш ва билим олишни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, инновацион таълим технологияларини амалиётга кенг жорий этиш талаб этилмоқда. Буларнинг барчаси бўлғуси кадрларнинг юксак интеллектуал шахс сифатида камолотга эришишини тақозо этади.

Замонавий ўқитишнинг бугунги босқичида педагогика фанининг долзарб вазифалари: фан-техника ва илғор тажрибалар асосида шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, ўқитиш мақсадлари, мазмуни, шакли ва методларини илмий жиҳатдан асослашдир.

Таълим шакли ўқитувчи ва билим олувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ, маълум режада ташкил этиладиган фаолиятининг ташқи ифодасидир. Бу борада олий таълим тизимида семинар ва лаборатория машғулотлари талабаларнинг олган билимларини амалда мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, олий мактаб ўқув жараёни шаклларидан бири сифатида семинар машғулотлари таълимий, тарбиявий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажариш билан бир қаторда маъруза давомида баён қилинган илмий билимлар асосини янада чуқурлаштиради, ҳаёт, турмуш билан боғлаган ҳолда билимларни янада кенгайтиради. Лаборатория машғулотларида эса, семинар машғулотларидан фарқли ўлароқ, тадқиқот олиб бориш кўникмалари шаклланади, талабалар мустақил равишда тажриба ўтказадилар.

Семинар ва лаборатория машғулотларида қуйидаги вазифалар қамраб олинади:

– назарий билимларнинг амалиётда мустаҳкамланиши;

– айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумотлар бера оладиган манбалар устида ишлаш;

– мустақил фикрлаш, илмий-тадқиқот ва билиш қобилиятларини ўстириш;

– маъруза давомида қўйилган айрим масала ва муаммоларни ҳал қилиш режасини ишлаб чиқиш, уларнинг амалиётдаги ифодасини кўра олиш;

– шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш;

– адабиётлар устида индивидуал ишлаш.

Таълим жараёни самараси нафақат таълим шаклларига боғлиқ, балки ўқитишда таълим методларидан ўринли, мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланишни ҳам талаб этади. Р.Ишмуҳаммедов ва б.лар таъкидлашича, педагог олимларимиз йиллар давомида таълим тизимида “нега ўқитамиз?”, “нимани ўқитамиз?”, “қандай ўқитамиз?” саволларига жавоб излаш билан бир қаторда “қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин?” саволига ҳам жавоб қидирдилар. Бу эса олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини технологиялаштиришга, яъни ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин деган фикрга олиб келди [4.14]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйида “Умумий педагогика” фанидан **“Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни”** мавзусида семинар машғулотини намуна сифатида келтириб ўтмоқчимиз. Дастлаб машғулотнинг технологик паспорти ва харитаси ишлаб чиқилади. Сўнгра машғулот қуйидаги тартибда режалаштирилади:

Мавзу: Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни

I. Машғулотдан кўзланган мақсад: талабаларнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”, ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида-

ги тасаввурларини бойитиш, тушунча ва билимларини мустаҳкамлаш, бўлғуси ўқитувчиларда ижобий фазилатларни шакллантириш, талабалар хулқидаги салбий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш, талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш.

II. Ўқитиш услуби:

– Китоб билан ишлаш. Кўзланган мақсад – билимларни ошириш ва мустаҳкамлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўрганиш, тушуниш, асосий жиҳатларни ва ёрдамчи эслатмаларни ажрата олиш.

– **Мунозара. Кўзланган мақсад** – билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш, ўз фикрини мантиқий ифода этиш, савол қўйиш, ўзгалар фикрига муносабат билдириш ва хулосаларни исботлай олишни шакллантириш.

– **Кичик гуруҳларда ишлаш. Кўзланган мақсад** – мавзуни тўла ўзлаштиришга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақилликни ошириш, кам вақт сарфлаш.

III. Мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган жиҳозлар ва бошқа таълим воситалари: мавзуга оид адабиётлар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва слайдлар.

IV. Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар:

– Тавсия қилинган адабиётлар ва слайдлардан фойдаланган ҳолда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниш шарт-шароитлари ҳақида тезис тайёрланг.

– Тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” ва унинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи жадвал ёки схемани яратинг.

– Ўқитувчининг фаолияти акс этган кўргазмали қуроллар асосида “ўқитувчи”тушунчасининг “кластер”ини ишлаб чиқинг.

V. Ҳамкорликда муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Президентимиз И.А.Каримов асарларида кадрлар тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар масаласи.

2. Миллий модель ва унинг таълим тизимидаги ифодаси.

3. Замонавий ўқитувчи қиёфаси.

VI. Блиц сўровлар:

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қандай ҳужжат?

2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинган?

3. Миллий моделнинг таркибий қисмлари қайсилар?

4. Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

5. Таълимни демократлаштириш деганда нимани тушунасиз?

6. “Педагог” тушунчаси қандай маънони англатади?

7. Замонавий ўқитувчига қўйилаётган талаблар нималардан иборат?

VII. Мустақил ишлаш учун топшириқлар:

1. “Муаммоли вазият” усулида мавзудан келиб чиқиб, дуч келинаётган муаммоларни ифодалаш.

Муаммонинг Тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари
	1. ..... 2. ..... 3. ..... 4.	

2. Мавзунинг технологик харитасини ишлаб чиқиш.

3. Мавзуга оид адабиётлар ва қўшимча интернет маълумотларини ўқиб, конспектлаштириш.

VIII. Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар.

“Умумий педагогика” фанидан “Таълим методлари ва воситалари” мавзусида лаборатория машғулотини олиб боришда дастлаб унинг технологик паспорти ва харитаси ишлаб чиқилади. Сўнгра машғулот қуйидаги тартибда режалаштирилади:

Мавзу: Таълим методлари ва воситалари

I. Машғулотдан кўзланган мақсад: талабаларда таълим методларининг назарий ва амалий асослари орқали илмий тушунчаларни ҳосил қилиш, педагогикада шахс тарбиясидаги илғор усуллардан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумот бериш, талабалар орасида ўзаро ҳамкорлик, ижобий фазилатларни тарбиялаш, мавзу мазмунига мувофиқ дарс жараёнида таълим методларини танлаш қобилиятларини ривожлантириш.

II. Ўқитиш услуби:

– Индивидуал (амалий) услубда ишлаш. Кўзланган мақсад – назарий билимларни амалиётга татбиқ этишни шакллантириш, рағбатлантириш, мустақил фикр юритиш.

– Муаммоли ўқитиш услуби. Кўзланган мақсад – мавзуга доир долзарб муаммоларга муносабат билдириш ва унинг ечимини топишни ўрганиш, вазиятга баҳо бериш ва тўғри қарор қабул қилишни шакллантириш.

– Кичик гуруҳларда ишлаш. Кўзланган мақсад – мавзуни тўла ўзлаштиришга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақилликни ошириш, кам вақт сарфлаш.

III. Мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган жиҳозлар ва бошқа таълим воситалари: мавзуга оид адабиётлар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва слайдлар.

IV. "Ақлий ҳужум" методи асосида талабаларнинг назарий билимларини текшириш ва мустаҳкамлаш (Мазкур метод талабаларни муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга ундайди. Шунингдек, билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди).

V. Педагогик масалани муҳокама қилиш (тарқатма материаллар асосида). 4-курснинг амалиётчи-талабаси «Зоология» фанидан дарс ўтаяпти. Мавзу: «Сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшовчи ҳайвонлар синфи. Бақанинг ташқи тузилиши». Дарсда расмлар, плакатлардан фойдаланиляпти, лекин бу нарсалар болаларнинг фикрини ўзига жалб қила олмаётган эди. Талабанинг бақани ташқи тузилиши ҳақидаги сўзлари болаларни ҳеч ҳам қизиқтирмаяпти. Шу пайтда талаба жуда қизиқ бир воқеани айта бошлади: «Буюк рус олими, бутун тирик мавжудотларни севувчи И.В.Мичурин кунлардан бир кун битта бақани қўлга ўргатиб олиб, уни жуда эҳтиёт билан боқа бошлайди. Мичуриннинг энг яқин дўстларидан бири бақани таёқ билан уриб ўлдириб қўйганда эса Мичурин у билан бир ойгача гаплашмай юрган экан». Синф ҳайратдан қотиб қолди, энди барча болалар амалиётчи қизнинг сўзларини зўр қизиқиш билан тинглашни давом эттирди [3;42].

Педагогик ҳолатни таҳлил қилинг:

1. Юқоридаги фикрлардан ёш ўқитувчилар ўзлари учун қандай хулоса чиқариши керак?
2. Сизнинг фикрингизча, бу қўшимча ахборотдаги баённи тушунтиришнинг бошига олиш мумкинми? Бундан нима ўзгарган бўларди?

VI.Кичик дарс ўтиш:

Дарс талаба томонидан ўтилади. Дарс давомида ўзлаштириладиган кўникмалар:

- Таълим методларини тавсифлаш.
- Таълим воситалари ҳақида тушунча бериш.
- Дарс жараёнида таълим методлари ва воситаларидан самарали фойдаланишни изоҳлаш.

Дарс ўтилгач, ўқитувчи гуруҳ билан ҳамкорликда уни таҳлил қилади.

VII. Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Мавзуга оид адабиётлар ва қўшимча интернет маълумотларини ўқиб, конспектлаштиринг.
2. Мавзу юзасидан 10 та тест тузинг.
3. Кўргазмали қуроллар асосида мавзу юзасидан берилган таърифларга нисбатан ўз мулоҳазангизни ёзма, қисқа тезис шаклида баён қилинг.

VIII. Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, республикамиздаги олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаси талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлаштириш, ўқув жараёнига янги технологияларни татбиқ етишга хизмат қиладиган ўқитишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т.: Шарқ, 1997.
2. Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика. –Т.:Талқин, 2008.
3. Асқарова Ў. Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар. –Т.: Меҳнат, 2004.
4. Таълимда инновацион технологиялар. Р.Ишмуҳамедов ва бошқалар. –Т.: Истеъдод, 2008.
5. Йўлдошева Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 2006.
6. Педагогика назарияси. (Маърузалар матни). Муаллифлар: Ҳ.Сарибоев, Ж.Ҳасанбоев, М.Усманбаева.-Т.: ТДПУ, 2004 й.
7. www.ziyonet.uz.

Андижон давлат университети,
2012 йил 26 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф Т.Х.Ҳасанов)